

ЖАМЪ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2002 йил 24 январь
пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 18 (2846)

Референдумда ўз ифодасини топадиган халқ иродаси мамлакатда фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш буйича давлат то-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАҲЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 23 январь куни Оқсаройда Тошкент ва Урта Осиё епархиаларининг қораловлари архиепископ Владимирни қабул қилди. Рус православ чорковининг мамлакатимизда энг кенг тарқалган диний конфессиялардан бирининг вакиллари биллаштирилади. Юртимизда православ насронийлар сон жаҳдан муслмонлардан кейин иккинчи ўринда туради. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни мамлакатимизда барча динларнинг қонун асо-

сида эркин фаолият юритиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизм қилимоқда. Бу эса бошқа динлар қатори православ динининг ҳам жамиятда ўз макени янада мустақамлашда муҳим омил бўлганлиги. Айни пайтда мамлакатимизда православларнинг ўғлаб черковлари, эркак ва аёллар монастыри, диний билим юрти фаолият кўрсатмоқда. Тошкент ва Урта Осиё епархиининг мамлакатимизда миллатлараро яқинлик ва турли динларга эътиқод қўлувчи кишилар ўртасидаги дўстликни мустақамлашдаги ўрни инобатта олиниб, Вази-

лар Маҳкамасининг «Муқаддас Успенский собори хузурда Диний-маъмурий марказ тузиш ва 1996 йил ноябрда Епархиининг 125 йиллигини ўқашга тўғрисида»ги фармойиши қабул қилинган эди. Шу асосда 1996 йили Москва ва Бутун Рус Патриархи Алексий II иштирокида Рус православ черкови Тошкент ва Урта Осиё епархиининг 125 йиллиги тантанали нишонланди. Оқсаройдаги учрашувда Ислоҳ Каримов епархиининг бугунги фаолияти, амалга ошириладиган ва режалаштириладиган ишлари билан қизиқди.

Архиепископ Владимир давлатимиз раҳбарига динлараро ҳамкорликни ривожлантириш, жамиятдаги осойишталикни таъминлаш, барча динларга бир хил ижобий муносабат учун миннатдорлик изҳор этди. Президентимизга ўзининг кўп йиллик меҳнати самараси, тўрт жилдик «Слова в дни памяти особо чтимых святых» («Энг азиз авлиқлар хотираси кунлари ҳақида сўз») китобини тақдим этди.

(Ў.А.)

СУРАТДА: қабул пайти. А. ТҮРАЕВ олган сурат.

Тезкор интервью

Стив Бауэрс: «ЎЗБЕКИСТОН ЎЙЛАГАНИМДАН ҲАМ ГЎЗАЛ ЮРТ ЭКАН»

Айни пайтда мамлакатимизда умумхалқ референдумига қизгин ҳозирлик кўрилувчи. Маълумотларга қараганда, референдум дунёнинг кўплаб давлатларидан юздан зиёд хорижий кузатувчи ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг иштирок этиши кутилимоқда. Уларнинг аксарияти юртимизда этиб келишди. Муҳиримиз ана шундай хорижий кузатувчилардан бири, АКШдаги Нельсон институти директори Стив БАУЭРС билан сўхбатда бўлди.

— Бугун Ўзбекистоннинг терроризмга қарши кураш, жаҳон ва минтақда тинчликни сақлаш, ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида олиб бораётган саясий ҳаракатлари дунё жамоатчилиги орасида қатта қизиқиш уйғотаётганлиги айни ҳақиқатдир. Рост, мени бир зидли сифатида мамлакатингиз тутган йўл, у эришаётган муваффақиятлар узоқ йиллардан буйён эътиборимнинг тортиб келадиган эди. Юртимизга илк бор ташриф буюришимга ҳам ана шу қизиқиш сабаб бўлди, десам

муволага бўлмайди. Сафаримдан олдин Ўзбекистонда ўтказилажак референдумга қўйилган масалалар билан обдон танишиб чиқишга улгурдим. Биласизми, бундай давлат аҳамиятига элик муқим, ҳаётини тажрибанинг ўзи шунини тақозо этаётганлигини сезиб ва англаб турирман. Ва, мен мухтассис сифатида референдумга қўйилган ҳар иккала масалани ҳам табиий ҳол сифатида баҳолашман. Ишончим комилки, референдум натижалари келажакдаги буюк ўзгаришлар учун ҳуқуқий замин бўлади.

Сўзимнинг охирида шунини алоҳида таъкидламоқчи эдимки, Ўзбекистон мен ўйлагандан ҳам гўзал юрт экан. Рост, шу пайтгача Тошкентда мана шундай гўзал ва улкан бинолар борлигини тасаввур ҳам қиламанман. Бозорлардаги тўқин-сочиллик, пойтахтининг ниҳоятда озодлиги ҳайратини янада ошириди.

«Халқ сўзи» мухбири Фуркат САНАЕВ ёзиб олди.

Референдумга бағишланди

Республика «Манавият ва маърифат» маркази Тошкент вилоят педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда ташкил этган анжуман мамлакатимизда 27 январда ўтказилган референдумга бағишланди. Таниқли олим ва мухтассислар иштирокида ўтган маъкур таъбирда халқ иродасининг ифодаси бўлиши референдумнинг аҳамияти, икки палатали парламентнинг фаолиятини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг конституцион асосларини ҳусусий эътибор билан баҳолашган. Икки палатали парламентнинг фаолиятини беиш йилдан этти йилга ўзгартиришнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди. Референдумнинг ҳолисик, ошкоралик руҳида ўтиши ва унда овоз берувчи фуқароларнинг фаол ҳамда онли равишда иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

(Ў.А.)



«Халқ сўзи» • «Туркистон-пресс» • «Интернет»


Ташевқотчига кўп нарса боғлиқ. Чунки у мудом халқ ичида юради. Фуқаролардан тушган саволларга батафсил жавоб беришга, обдон ва ётиғи билан тушунтиришига тўғри келади. Сиз суратда кўриб турган Нафисахон Хўжаева ана шундай ташевқотчилардан. У фаолият кўрсатаётган Бағдод туманидаги 287-референдум участкаси энг намунали участка, деб баҳо берилади.



Тоҳиржон ҲАМРОКУЛОВ олган сурат.

Мамлакатимизда

- Куни кеча «Экосан» халқаро жамгармасида «Чикиндилар тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси муҳокама-сига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.
- Унда маъмур қонун лойиҳасининг асосий мақсад ва вазифалари, чиқиндиларнинг инсон ҳаёти, атроф-муҳитга кўрсатаётган салбий таъсири ҳақида сўз борди. Амалий тақлиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди. Лойиҳа юзасидан билдирилган тақлифлар «Экосан» жамгармаси томонидан умумлаштирилиб Олий Мажлис қўмитасига тақдим этиладиган бўлди.
- Ҳиндистоннинг пойтахтидаги маданият марказида «Марказий Осиё ва Ҳиндистон исломгача бўлган давр» номи китобининг тақдими бўлиб ўтди. Китобда Марказий Осиё халқларининг Ислам маданияти кириб келишидан аввалги даврларда Ҳиндистон билан алоқалари, шунингдек, Ҳиндистон ва Марказий Осиёнинг қадими маданияти ҳамда бу ҳудудларда жойлашган мамлакатларнинг узоро савдо-саноқ соҳасидаги алоқаларига катта ўрн берилган.
- Ёзвон туманида 240 ўринли замонавий мактаб биноси бунёд этилади. Эътиборга молик томони шуки, қурилмиш томонини Маҳмуд ҳожи Матқосимов сармоиси ҳисобидан амалга оширилмоқда.
- Мактаб биноси келгуси ўқув йилида ўқувчиларга тухфа этилади.
- Қизилқум саҳросидаги сувни қоракўлчилик ўзғаришларининг чўпон-чўлиқлари хонадонларига қайру саховат, меҳр кириб келди. Гап шундаки, Бухоро вилояти хотин-қизлар қўмитаси, «Бола-



Чимён бағрида


- лар».
- Соғлом авлод учун» жамгармалари томонидан ташкил этилган автокарвон чўпон болаларга кийим-кечак, озиқ-овқат келтирди. Шунингдек, улар тиббий кўриқдан ўтказилди.
- Жаҳон тиббиётинда эстетик жарроҳлик тобора ривожланимоқда. Пойтахтимизда ташкил этилган «ТИВ ВАХШИ» деб номланган хусусий клиника ҳам айнан шу соҳага иктисосслашган. Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу шифо маънасидаги тугма ёки ортирилган нуқсонлар пластик жарроҳлик йўли билан бартараф этилади. Шунингдек, бу ерда тиббий косметология, даволаш реабилитация ишлари ҳам амалга оширилади.

- Афғонистонни тиклаш масаласига бағишланган Токио Халқро конференцияси қатнашчилари бу мамлакатга 4,5 миллиард доллар ажратишга қарор қилишди. Ушбу маблағнинг 1,8 миллиард долларини шу йилнинг ўзида берилади.
- Афғонистон Муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзой кеча Тоқнодан Пекингга келди. Хитой Халқ Республикаси раиси Цзян Цзяминь билан бўладиган учрашувда икки давлат ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий муносабатлар, Хитойнинг Афғонистонни тиклаш жараёнида қатнашиши, терроризм ва экстремизмга қарши ҳамкорликда курашиш каби масалалар узоро мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлиши кутилимоқда.
- Афғонистоннинг барча провинцияларига 20 ёшдан

Чет элларда

- 40 ёшгача бўлган эркакларни ҳарбий хизматга чакририш тўғрисида маълумотнома жўнатилди. Унга кўра, чакририш илк босқичда мамлакатдаги 31 та провинциянинг ҳар биридан 200 нафардан киши ҳарбий хизматга жалб этилади. Мамакат Кўролли қўчаларининг умумий сонини 250 миң нафарга ўқин бўлиши режалаштирилган.
- NN1 агентлигининг маълум қилишича, Покистон президенти Первез Мушарраф февраль ойининг бошида АКШга расмий ташриф буюради.
- Исраил Қуролли қўчаларининг Фаластин хуудига, хусусан Тулкармага олиб кирилиши, ниҳоятда беленсанглиқдир. — деб маълум қилди Фаластин раҳбари Ёсир Арофат. Унинг фикрича, бу Исраил томонидан Фаластин маъмуриятга ҳужум уюштиришдан бошқа нарса эмас. Ёсир Арофат ана шу хусусда

- Ромолахда журналистлар билан мулоқот ўтказди.
- АКШ президенти Жорж Буш 2002 йил давлат бюджетини тайёрлашда атроф-муҳитни муҳофаз қилиш масаласига катта эътибор берилишини режалаштирмоқда. Икки бюджетда миллий кўриқхоналар тизимига ажратилган маблағ 18 фоизга кўпайтирилиб, унинг умумий миқдори 377 миллион АКШ долларини ташкил этди.
- Бразилиянинг Итайпу электр станциясида юз берган авария туфайли мамлакатнинг жануби-шарқий қисмидаги аҳоли энг жойлашган провинциялари электр тоқисиз қолган. Globo телекомпанияси маълумотига кўра, электр тоқисиз қолган провинциялар ичида Рио-де-Жанейро, Сан-Паулу, Бал-Оризонти ва бошқа саноат марказлари ҳам бор. Авария сабаблари ўрганилмоқда.



Бугунги Прага

